

# ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ЎТИМЛИ ВА ЎТИМСИЗ ФЕЪЛЛАР ХАҚИДА

Қўчқорова Ш.Р. Бух МТИ ўқитувчиси

Хамроқулова Б.О. БухДУ 2 курс талабаси

Маълумки, дунёдаги барча тиллардаги феълларда ўтимлилик лексик-семантик категорияси бор. Ўтимлилик категорияси бир-бирига приватив қарама-қаршиликда бўлган маъноларга булинади (ўтимлилик-ўтимсизлик). ҳаракат ўтимли бўлганда у бирор предметга (нарсасига) тарқалади ва бу предмет уша ҳаракатнинг объекти бўлиб қолади. Ҳаракат ўтимсиз бўлганда у бошқа нарсасига (объектга) тарқалмайди. Ўтимлилик белгисига эга бўлган феъллар «ўтимли феъллар», бундай белгига эга бўлмаганлари «ўтимсиз феъллар» деб аталади. Бу ҳақида «Лингвистик атамалар лугати»да бундай дейилган: «Лексико - сентаксическая категория, на основе которой выделяются глаголы со значением действия, распространяющегося на предмет, который является объектом этого действия». (Ахманова. 1966, 320). Айрим тилшунослар ўтимлилик – ўтимсизликни «лексик- семантик категория» деб қарайдилар (Мухин. 1980, 121). Биз ишимизда шу фикрга таянамиз, чунки ўтимли ва ўтимсиз феъллар, феълнинг лексик маъноси билан боғлиқ;. Лекин бунда лексика ва грамматика муносабатлари ҳам ҳисобга олинади. Демак, феълларни ўтимли ва ўтимсиз турларга булиш лексика билан грамматика (синтаксис) ўртасидаги муносабатга асосланган феълнинг маъноси буйича классификациядир.

1. We **sell** books, (ўтимли)Биз китоб **сотамиз**.

2. The books **sell** well, (ўтимсиз)Китоблар яхши **сотиляпти**.

Худди шундай ҳолатни қуйидаги мисолларда ҳам куриш мумкин:

1. Every day he **shows** interesting things, (ўтимли)

Ҳар куни у бизга қизиқ нарсаларни кўрсатади.

2. Your handkerchief **shows**, (ўтимсиз)Дастрўмолинг **кўриняпти**

Кизиғи шундаки, биз юқоридаги қоришиқ феълларга берган мисолларимизни ўқитувчиларнинг кўпчилиги грамматик жихатдан нотўғри тузилган гаплар деб баҳоладилар. Ваҳоланки, бундай гаплар норматив гаплар булиб, уларни «Longman Dictionary of Contemporary English» каби катта ҳажмдаги изохли луғатларда берилган.

Инглиз тилида феълларни ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз бўлиши мумкинлиги ҳақида айрим мўлохазаларни Ж.Б. Бўронов, УД. Юсупов, М.Т. Ирискулов, А.С. Содиқовларнинг инглиз тилида ёзилган «Инглиз, ўзбек ва рус тилларининг грамматик структуралари» китобида учратиш мумкин (1986, 194). Аммо китоб муаллифлари масалага етарли эътибор беришмаган. Ж.Б. Бўроновбундай феълларни “икки

функциялик феъллар” деб атаган (Ж.Б. Бўронов, 1973, 161).

Инглиз тилидаги ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз бўла оладиган феълларни (қоришик феълларни) ўрганиш шуни кўрсатдики, бундай феълларнинг сони 250 тача экан. Буни биз юқорида тилга олинган инглиз тили изоҳли луғатини ва В.К. Мюллернинг «Инглизча-русча луғати»ни таҳлил қилиш натижасида аниқладик. Инглиз тилидаги изоҳли луғатда тилга олинган феълларнинг турлари қуйидаги белгилар (маркерлар) орқали ифодаланган:(I) ўтимсиз (T) ўтимли (I;T) ўтимли ва ўтимсиз

«Инглизча ва русча луғат»да қоришик феълларни уларнинг рус тилидаги берилган таржимасидан аниқладик. Қуйида биз аниқлаган қоришик феълларимизнинг айримларини келтирамиз:

1. *to begin* - бошламок-бошланмок. *to burn* - ёнмок- ёндирмок
2. *to clean* - тозаламок-тозаланмок. *to close* - ёпмок-ёпилмок
3. *to grow* - ўсмок-ўстирмок.*to sell* - сотмок-сотилмок
4. *to stop* - тўхтамок-тўхтатмок.*to open* - очмок-очилмок

Масалан: 1.1 **begin** work at 8 o'clock, (ўтимли)

Мен ишни 8 да **бошлайман**.

2. Our English lessons **begin** at 9 o'clock, (ўтимсиз)

Инглиз тили дарсимиз 9 да **бошлаилади**.

1. They **stopped** their car near the hotel, (ўтимли)

Улар машинани меҳмонхона яқинида **тухтатдилар**.

2. He **stopped** as soon as he heard me. (ўтимсиз)

У мени эшитиши биланок **тухтади**.

1. He opens the door every day. (ўтимли)

Қоришик феъллар ҳеч қайси инглиз амалий грамматикаларида тилга олинмаган ва уларга машқлар ҳам тузилмаган. Бизнингча, инглиз тили бўйича дарслик ва қўлланмалардаги бу бўшлиқ тўлдирилиши керак. Ушбу мақолада билдирилган фикр ва мулоҳазалар бўлажак чет тил ўқитувчиларининг касбий тайёргарлик тизимида аҳамиятга эга.

### Адабиётлар

1. Бўронов Ж.Б., Юсупов У.К, Ирискулов.М. Т, Садиқов.А.С The Grammatical Structures of English, Uzbek and Russian. Part I. - Т., 1986.
2. Бўронов Ж.Б. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. - Тошкент, 1973.
3. Мюллер В.К. Англо-русский словарь. - М., 1989.

## **ЧЕТ ТИЛДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ЎРГАТИШ**

**Қўчқорова Ш.Р. Бух МТИ ўқитувчиси**

**Каримов А .А. Бух МТИ талабаси**

Мустақил Ўзбекистонимизда иқтисодийнинг ҳамма жабҳаларида бўлгани каби таълим тизимида ҳам жиддий ўзгаришлар бўлмоқда. Шунга асосан юксак маънавиятли шахсни шакллантириш ва замон талабига мос рақобатбардош кадрларни тайёрлаш масаласи узлуксиз таълим тизими учун тиллараро маданиятни ўргатиш зарурлигини такозо қилмоқда.

Лексика тилларнинг ривожланиши учун зарур манбадир. Сўз бойлиги инсонни маънавий етукликка кўтарди ҳамда халқлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, илмий, маданий ва адабий алоқаларнинг кенгайишига хизмат қилади.

Тилдаги сўз бойликларини эгаллаш орқали мулоқотга киришилади. Мулоқот маданиятини ўргатиш талабанинг лексик кўникмаларини шакллантириш билан узвий боғлиқ равишда олиб борилади.

Ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўришда ўрганилаётган материалнинг қийин томонига эътиборни қаратиши ва уни бартараф этиш учун машқлар тизимини ишлаб чиқиши лозим. Лексикани ўргатиш мазмунидан маълумки, қийинчилик сўзнинг шаклида, маъносида ва уни нутқда қўллаганда кузатилади. Ж.Жалоловнинг Чет тил ўқитиш методикаси китобида лексикани ўргатиш ҳар томонлама батафсил илмий асосланган.

Талабаларнинг сўз бойлигини ошириш қуйидагича руёбга чиқарилади:

1. Рецепт лексик кўникмаларни шакллантириш.
2. Талабаларнинг потенциал лугатини кенгайтириш.
3. Ўрганилаётган лексик материални бир тизимга солиш.
4. Лексик бирлик (ЛБ)ни маъно ва шакл томонига қараб таниш.
5. ЛБнинг контекстга, мавзу ва вазиятга мос келиши.
6. Икки тиллик луғатдан фойдаланиб, нутқ амалиёти ёки тажрибага суяниб она тилида ЛБни муқобилини-топиш.
7. Чет тилдаги сўзнинг она тилидаги сўзга мос келиши
8. Сўз яшаш элементлари ҳамда контекст орқали оғзаки ва ёзма мулоқот жараёнида ЛБни эсга тушириш.
9. ЛБни мавзу ёки матндаги ўрнига қараб тизимга солиш.
10. Сўзларни синонимлари билан алмаштириш.

Рецептив лексик кўникмаларни шакллантириш бўйича ўқитувчи ва ўқувчининг фаолияти жадвали.

1. боскич. Янги ЛБ билан таништириш.
  2. боскич. ЛБни машқ қилиш (автомат даражасида).
  3. бокич. ЛБни ўқишда ва тинглаб тушунишда фаоллаштириш.
- Гапиришнинг лексик кўникмаларини шакллантириш бўйича

ўқитувчи фаолиятининг мантикий изчиллиги қуйидагиларда кўринади:

1. Узлаштириш қийин бўлган ЛБларни тахлил қилиш.
2. ЛБ маъносини очиш усуллари танлаш.
3. ЛБ тақдироти учун нуткий вазиятни белгилаш.
4. ЛБ маъносини тушунишни лингвистик жиҳатдан назорат қилиш.
5. ЛБ ясалишини ўрганиш кўникмаларини шакллантириш.
6. ЛБни оғзаки нутқда қўллаш.

Чет тил ўқитувчиси ҳал этадиган мураккаб вазифа мулоқотни уюштириш ҳисобланади. Мулоқот юритиш учун қулай шароит, долзарб мавзулар, муаммолар, чет тил ўрганишга мотивациянинг мавжудлиги, доимий қизиқишни сақлаш, талабаларнинг мулоқотини бошқаришдан иборат. Мулоқотни ўргатиш жараёни, яъни коммуникативликда қуйидагиларга эътибор қаратилади :

- нуткий йўналганлик;
- шахснинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш;
- нуткий вазифанинг қўйилганлиги;
- таълимнинг ситуативлиги;
- ахборот /мулоқот воситасининг янгилиги.

Олмонларнинг телефонда сўзлашиш маданиятини келтириб ўтамир:

1. Sie nehmen den Hoerer ab und sagen Ihren Nachnamen.
2. Die andere Person begrufit Sie, sagt ihren Namen und beginnt das Gesprach.
3. Am Ende sagt man Auf Wiederhoren.

Инглизларнинг телефонда сўзлашиш маданияти қуйидагича:

1. Greeting. Introduce himself or herself.
2. Asking service expressions to ask someone the reason of his/her calling (to ask why does he/she call).

Ўзбеклар телефони олиб “Алло” ёки “Эшитаман” дейишади. Кўпчилик “Ким бу?” деб сўрайди. Шунинг учун керакки, телефонда сўзлашиш маданияти мавжуд.

Талабаларга тиллараро маданиятни ўргатиш булажак чет тил ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигида аҳамиятлидир. Зеро, Юсуф Хос Хожиб тилни яхши билиш, унинг барча сир асорларидан воқиф бўлиш туғрисида шундай деб ёзган: “Сен барча сўзларни билим билан сўзлагин, барча кишини билими учун улуглагин”.

## ОБУЧЕНИЕ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ КОМПЬЮТЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Қўчқорова Ш.Р. Бух МТИ ўқитувчиси

Каримов А .А. Бух МТИ талабаси

Основной задачей каждого преподавателя иностранных языков является развитие коммуникативной компетенции учащихся, способность и готовность учащихся к межкультурному общению. В

современных условиях компьютеры являются едва ли не незаменимым средством обучения. Перед преподавателем иностранного языка встает задача - создать языковую среду, сформировать положительную мотивацию для роста творческого потенциала учащихся и стимулирования их речевой деятельности. Компьютерные технологии дают прекрасную возможность заинтересовать учащихся, качественно изменить контроль над их деятельностью, обеспечивая при этом гибкость управления учебным процессом.

Существует много разнообразных форм, позволяющих сделать учебную деятельность максимально эффективной. Одна из них - видео урок. На примере урока по теме “Mr. Sanford’s House” (первый год обучения). Этот урок не только помогает ввести и отработать дополнительную лексику по теме, но и стимулирует речевую деятельность учащихся и дает положительную мотивацию к проектной работе самих учащихся с использованием компьютера.

Использование видео-уроков помогает студентам приобретать знания, умения и навыки в различных видах речевой деятельности, способствует формированию профессиональной компетенции будущих учителей иностранного языка, вооружает их обучающими технологиями. Предлагаем разработку данного занятия с использованием компьютерного класса:

1. **The beginning of the lesson: “Warming up”** a) In what house do you live? How many rooms are there in your house? Do you share the room with someone else or have you got your own room? Does the house belong to you or do you rent it? Do you have central heating? Etc.

b) Let's remember some proverbs about homes:

“There is no place like home”; “Every bird likes its own nest”; “He who has no “home can live everywhere; “It's good to be visiting but it's better at home”; “East or West home is best”, etc.

c) Quiz “Do you know anything about the homes in Britain?”

1. Most **people** live in (houses, flats)

2. The living room is also called (hall, sitting room, the lounge)

3. A lot of British people like gardening (true, false)

4. A patio - what is it
5. Powder room / guest room - what is it for
6. A semi detached or simply semi - what is it
7. Townhouse what kind of house is it

## **II. The main part of the lesson (Before watching)**

1. Match the words with the definitions shown on the slides. What sort of house do you live in? (A block of flats, a semidetached house, a detached house, a cottage, a bungalow, a terraced house (townhouse))

- 1 The house which is not detached to any other houses
2. A house which is attached to another house on one side
3. A house which is a part of a row of houses and attached to them
4. A small house in the country
5. A house which is a part of a large building
6. A small house on a single floor (Here you can give a small description of the houses)

Working with computers:

2. Match the words in the box to the pictures

(A new house, a bungalow, a small house, a large house, a detached house, a semidetached house, a terraced house, a cottage, an old house).

3. Complete the description (Here the students use the computer to write the answers)

The bedroom, that's where you sleep,

The kitchen that's where you \_\_\_\_

The lounge that's where you \_\_\_\_

A spare room, that's where you \_\_\_\_

A study, that's where you \_\_\_\_

4. Imagine that you are in kitchen. Where would you put these things: milk, meat, dirty clothes, dirty cups and saucers, clean cups and saucers, biscuits and a packet of spaghetti

5. Put jumbled letters in order and say to what place they belong ( skin, teklet, hiamcrar, rapcet, faos, veon, pobcadru, acepasnu, shadrswhe, digref)

6. Imagine that you have just moved into a new flat for the six months you can only have six of the following. Which would you choose ( sofa, curtains, dining table, saucepans, carpets, fridge, dishwasher, desk, washing machine, food mixer, TV).

## **Литература**

1. Пассов Е.И., Новосельцева Н.В. It doesn't Work Without Words.

- Москва: ОНИКС, 2000.

## **ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА МЕТОДИКА ФАНИДАН СЕМИНАР МАШГУЛОТИНИНГ РОЛИ**

**Қўчқорова Ш.Р. Бух МТИ ўқитувчиси**

**Хамроқулова Б.О. БухДУ 2 курс талабаси**

Бўлажак чет тил ўқитувчилари касбий тайёргарлиги ўқитиш назарияси ва методикаси фанидан маърузалар билан биргаликда семинар машғулоти оралиги ҳам шакллантирилади. Семинар машғулоти оралигининг маърузадан фарқи шундаки, у ўқув жараёни иштирокчиларининг биргаликдаги ҳаракатларида намоён бўлади. Агар маърузаларда илмий билимларнинг назарий асослари баён қилинадиган бўлса, семинар машғулоти оралигида олинган билимлар таҳлил этилади, кенгайтирилади, умумлаштирилади.

Семинар машғулоти оралиги давомида ўқитувчи ва талаба ўртасида икки томонлама яқин алоқа ўрнатилади. Бу эса таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эга. Семинар машғулоти оралигида жонли суҳбат, мунозара олиб борадилар, ўзаро фикр алмашишади, турлича қарашларни муҳокама қилишади. Семинар машғулоти оралигида ўқитувчи мавзу бўйича муҳокамаларни ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади. Семинар машғулоти оралигида ўқитувчи талабанинги эътиборини мунозарали муаммога жалб қилади, ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар доирасидаги саволларга аниқлик киритади, аввалги мавзулар билан боғлаб олиб боради. Семинар машғулоти оралигида ўқитувчи куйидагиларга эътибор қилишлари лозим:

- талабаларни мустақил фикрлашга йўналтириб туриши;
- тавсия этилаётган масалаларнинг моҳиятини тез аниқлай олиши;
- талабалар баҳсидаги нуқтаи назарларнинг фарқлаб олиши;
- семинар машғулоти оралиги давомида назарий муаммоларнинг ностандарт ҳал қилинишини рағбатлантириб бориши.

Ўқитувчи ҳар бир семинар машғулоти оралигида яқин ясар экан, унда куйидагиларга эътибор қаратиши лозим:

- замонавий фанлар эришган ютуқларга асосланган ҳолда муҳокама қилинган масалага умумий тавсиф берилишини назорат қилиши;
- масалалар бўйича талабаларнинг фикрлашларини таҳлил қилиши ва баҳолаши;
- семинар машғулоти оралигида умумий баҳо бериши, яъни талабаларнинг фаоллиги, маданияти ҳамда фикрлаш хусусиятларини баҳолаш.

Семинар машғулоти оралигининг самарадорлиги, албатта, талабаларни уларга тайёрлаш сифати билан боғлиқдир. Талабаларни семинар машғулоти оралигида тайёрлаш босқичма-босқич амалга ошириладиган жараёндир.

Биринчи босқичда семинар машғулоти оралигининг мавзуси аниқлаб олинади.

Мавзунинг долзарблиги, талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиш, бўлғуси касбий фаолиятининг hozirги ижтимоий, илмий муаммоларни режалашгира олишдаги аҳамиятларидан келиб чиқиш зарур деб ўйлаймиз.

Бунда вақтни тежаш, ташкилий ишларни жадаллаштириш, мавзу бўйича адабиётларни тавсия этиш лозим .

Иккинчи босқич. Талабаларни семинар машғулотларида маъруза қилишга тайёрлаш, улардан мавзу режасини муҳокама қилиш, унинг айрим жойларига тушунтириш бериб бориш талаб этилади. Бу, уз навбатида, дастлабки фикр мулохазаларни тезликда тuzатиш, аниқлик киритиш, тўлдиришга имкон беради.

Учинчи босқичда ўқитувчи тайёрланилган маъруза бўйича мулохазаларни тинглайди, тўғрилайди, зарурият туғилганда, унга саволлар бериши, бунинг натижасида эса талаба мавзу бўйича ўзига тегишли хулосалар чиқариши лозим .

Семинар машғулотларида масалани гуруҳ бўлиб муҳокама қилиш мазкур машғулотнинг энг аҳамиятли хусусиятларидан бири. Ўқитувчи семинар машғулотларини мунозарали бўлишига ҳаракат қилиш лозим. Мунозарали семинарлар талабани фикрлаш ва мулокот қилиш қобилиятларини шакллантиришга қаратилиши катта аҳамиятга эга. Семинар машғулотларида қуйидаги мақсадлар кўзда тутилади:

- семинар машғулотлар жараёнида қўйилган саволларга жавоб беришда талабаларнинг эркин фикр билдириши ва масалаларни назарий жиҳатдан асослай олишларини таъминлаш;

берилган жавобларни бошқа талабалар томонидан тушунилишини таъминлаш;

- муҳокама қилиш бўйича танқидий мулохазалар билдиришни ташкил этиш, тўлдириш ва ўзгартириш.

Чет тил ўқитиш методикасидан семинар машғулотлари асосан чет тил ўқитишнинг назарий масалалари, нутқ фаолияти турлари ва тил материалларини ўргатиш, мазкур таълим бўйича ўқитиш жараёнини ташкил этиш масалаларини ўз ичига олади. Семинар машғулотларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилса, мақсадга мувофиқдир.

**ЧЕТ ТИЛДА ГРАММАТИК САВОДХОНЛИК ВА КОММУНИКАТИВ  
КОМПЕТЕНЦИЯНИ ШАКЛЛАИТИРИШ  
ХУСУСИДА**

**Қўчқорова Ш.Р. Бух МТИ ўқитувчиси**

**Ҳамроқулова Б.О. БухДУ 2 курс талабаси**

Чет тилларни ўргатиш замонавий концепция ва ёндашувларининг аксариятини грамматик саводхонлик билан бир қаторда талабаларнинг коммуникатив компетенциясини шакллантиришга қаратилган ғоялар ташкил этмоқда. Чет тилларни ўрганишнинг контекстуал ёндашуви тарафдорлари эса коммуникатив саводхонлик ва унга боғлиқ малака ва кўникмаларни биринчи ўринга қўйиб, грамматик саводхонлик билан бир қаторда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таърифлашади. Бу борада АКШ олимларининг назарий ғоялари муайян қизиқиш уйғотиши мумкин.

1970-йилларнинг бошларида, баъзи лингвистлар ва методистлар коммуникатив компетенцияни грамматик ёки лингвистик саводхонликдан фарқ қиладиган тушунча деб ўйлашарди. Ўн йилликнинг бошидан ўртасигача бўлган йилларда, баъзи олимлар ва амалиётчилар назарида коммуникатив компетенция грамматик тўғрилиққа бўлган эътиборсизликнинг синонимига айланди ва чет тил ўрганувчилари грамматик саводхонлиги паст бўлишига қарамасдан, агар ўз гапларини тингловчига тушунтира олса, коммуникатив қобилиятли ҳисобланишарди. Адабиётларда грамматик саводхонликни коммуникатив компетенцияга киритилиши ёки киритилмаслиги ҳақида келишмовчиликлар бўлган.

Коммуникатив компетенция устида қилинган энг машҳур изланишлардан бири 1970-йилларнинг бошларида Иллинойс Университетида Савигнон томонидан амалга оширилди. Бу изланишда, Савигнон коммуникатив компетенцияни ошириш устида олиб борган машгулотлари натижаларини солиштиришга ҳаракат қилди. Унинг таърифи бўйича коммуникатив компетенция дастлабки босқичи сифатида лингвистик саводхонлик намоён бўлади.

Коммуникатив компетенция тўғрисидаги кейинги таърифларида, Савигнон қуйидаги жиҳатларини таъкидлайди:

1. Коммуникатив компетенция фақат оғзаки нутқни ўз ичига олмаслиги керак. Бунга ҳам ёзма, ҳам оғзаки нутқ тегишли.
2. Коммуникатив саводхонлик матнга асосланган бўлиб, муайян нутқ ҳолати ёки матн мазмунида намоён бўлади. Коммуникатив жиҳатдан саводли киши ҳар доим муайян ҳолатда қандай мулоқот усулини тўғри танлашни била олади.
3. Ҳар доим саводхонлик ва унинг намоёиш қилиниши каби назарий

тушунчаларнинг фарқини англаш муҳим. Савигноннинг фикрича, ”Саводхонлик бу кимдир биладиган нарса бўлса, унинг намоён қилиниши эса бировнинг амалий ҳаракатини англатади”.

Коммуникатив саводхонлик ва компетенциянинг юқорида қайд қилинган таърифлари бошқа тадқиқотчилар Хиггс ва Клиффордларнинг фикрича коммуникатив компетенция назарий компетенциясига асос бўлиши лозим бўлган компонентларнинг чуқур таҳлилига эга эмасдир. Албатта, ҳар таъриф ўз ичига бир неча турли қисмлар, элементлар ва қарашларни қамраб олади. Грамматик аниқлик ушбу жихатларнинг бири холос.

Ушбу муаммони тадқиқ қилган яна бир олим Манбининг фикрича, коммуникатив саводхонлик тушунчаси грамматик саводхонлик тушунчасини ҳам ўз ичига олади. Бунга қарама-қарши фикрлар асосида қуйидаги иккита хулосани алоҳида келтириш мумкин: 1) грамматик ва коммуникатив саводхонлик турларига алоҳида ўргатилади, 2) грамматик саводхонлик коммуникатив саводхонлик ва компетенциянинг муҳим таркибий қисми эмас.

Грамматик саводхонлик ўз ичига сўз бойлиги, ёзма ва оғзаки нутқ қоидапарни, сўз яшаш ва гап тузилишига оид билимларни қамраб олади. Канал ва Свейнлар бундай саводхонликни ҳар қандай мулоқот ва коммуникатив ёндашувнинг асосий томонларидан бири, деб таърифлайдилар ҳамда тил билишнинг энг юқори даражасидаги аниқлик ва туғри маънолилиқ каби жихатлари билан қиёслайдилар.

Стратегик саводхонлик юқорида қайд этилган моделнинг охирги компонента бўлиб, вербал ва невербал мулоқот стратегияларини ўз ичига олади. Бошқа компонентларга нисбатан олганда, ушбу саводхонлик тури, яъни нутқ маданиятини мустаҳкамловчи стратегияни қулай билиш қобилияти кўп жихатлари билан ажралиб туради. Чунки юқори маълумотли она тилида сўзлашувчи киши ҳам баъзан бошқалар билан бўлган коммуникатив ҳолатларда нутқида узилишларга йўл қўйиши мумкин.

Шундай қилиб, замонавий инглиз тилини ўргатишда грамматик саводхонлик қоидалари ва тамойилларига асосланган ҳолда талабаларнинг коммуникатив компетенциясини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

### **Адабиётлар**

1. Omaggio, A. C. 1986. (University of Illinois at Urbana- Champaign). Teaching Language in Context. Heinle & Heinle Publishers. Boston, Massachusetts, USA.
2. Rivers, W. M. 1981. Teaching Foreign Language Skills. The University of Chicago Press. USA.

## ТАЛАБАЛАРНИНГ БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ОШИРИШДА ЧЕТ ТИЛИНИНГ ЎРНИ

Қўчқорова Ш.Р. Бух МТИ ўқитувчиси  
Каримов А .А. Бух МТИ талабаси

Чет тил ўқитишда талабаларнинг билиш фаолиятини ошириш таълимнинг янги, самарали шакллари излаб топиш билан бевосита боғлиқдир. Ҳозирги даврда талабаларнинг билиш фаолиятини ошириш муаммоси кўплаб олимларнинг долзарб илмий-тадқиқот объекти бўлиб келмоқда. Бу муаммо ҳақида ўрта асрларда яшаб ижод қилган баъзи қомусий олимларнинг ҳам ўз фикр ва қарашлари мавжуд. Уларнинг фикрича, инсон фаолияти икки турга булинади, булар меҳнат ва билиш фаолияти. Уларнинг таъкидлашича “Билим - бу билувчининг қалбидаги билинадиган тимсолдир. Билингки, фанни ўқитиш ва ўзлаштиришсиз билим бўлмайди. Ўқитиш - бу қалбдан чиқиладиган, қалб учун долзарб, ички билишга асосланган эътикод. Билимларни ўзлаштириш бу билим шакллари қалбдан идрок этишдир. Билингки, қалб билиш предметлари шакллари уч томонлама қабул қилади: биринчидан - ҳис қилиш орқали, иккинчидан - далиллар орқали, учинчидан - фикр юритиш ва мушоҳада қилиш орқали”.

Кайковуснинг “Қобуснома” асарида эса билимнинг фойдаси ҳақида қуйидаги фикрлар ёзилган. “Агар молсизликдан қашшок бўлсанг, ақлдан бой бўлмоқка сай кургузгилки, мол била бой бўлгондан, ақл била бой бўлгон яхшироқдур- Нединким, ақл била мол жам этса бўлар, аммо мол била ақл ўрганиб бўлмас. Билгил, ақл бир молдурки, уни ўгри ололмас, у ўтда ёнмас, сувда оқмас. ”

Дарҳақиқат, бўлажак чет тил муаллимини касбий тайёрлаш жараёнини фақат муайян фан буйича билим, кўникма ва малака олиш билан чегаралаб бўлмайди. Шу боис олий мактабларда талабаларнинг билиш фаолиятини ошириш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади.

“Билиш фаолияти” тушунчаси “уқув фаолияти” тушунчасига Қараганда кенгрок маънога эга. Талабаларнинг билиш фаолиятини ошириш учун уларда қуйидагиларни шакллантириш зарур: билишга тайёргарлик, билиш фаолиятининг малака ва кўникмалари, билиш фаолиятига эҳтиёж.

Билиш фаолиятининг фаол қўзғатувчилари қуйидагилардир: конкрет фаолиятга бевосита қизиқиш, ахлокий-эстетик ва рухий қониқиш (мотивлари).

Билиш фаолиятини ошириш фақат билимларни ўзлаштириш жараёнини яхшилашгагина эмас, балки шахснинг энг муҳим сифати бўлган фаоллик ва мустақилликнинг шаклланишига ҳам йўналтирилган бўлиши зарур.

Билиш фаолиятини оширишда қизиқиш алоҳида аҳамиятга эга. Билишга бўлган қизиқиш - ўқитишдаги ўзига хос қизиқиш туридир. Билишга бўлган қизиқиш шахснинг эҳтиёжларидан келиб чиқади.

Талабаларнинг билиш фаолияти тизимига фаоллик ҳам киради. Фаоллик шундай иш фаолиятики, унда билиш фаолиятини оширадиган интеллектуал, иродавий, ҳиссий жараёнлар биргаликда намоён бўлади. Билиш фаолияти индивидуал бўладия, у шахснинг туғма қобилияти эмас, балки унинг ҳатти-ҳаракатлари жараёнида шаклланади.

Талабаларнинг билиш фаолияти учун қуйидагилар зарур:

- билимга ва ўқув мақсадларига бўлган чуқур ҳар томонлама қизиқиш;
- ақлий, жисмоний ва интеллектуал кучларни фаол намоён қилиш;

Чет тил ўқитиш жараёнида, билиш фаолиятини ошириш деганда том маънода фикрлаш ишининг фаоллиги тушунилади.

Фикрлаш фаоллиги билиш фаолиятида ўқув материалларини конкретлаштириш ва бир тизимга келтиришда, билимлар тизимини эгаллашда дунёқараш ҳамда тасаввурлар ва тушунчаларни ишлаб чиқишда намоён бўлади.

Педагогика фанига оид адабиётларда билиш фаолиятининг қуйидаги типлари фарқланади: перцептив, репродуктив, продуктив.

Перцептив билиш фаолияти - бунда предмет, воқеа, ҳодиса ва улар ҳақидаги айрим маълумотларнинг белгилари ва мазмуни оғзаки ва ёзма нутқ воситасида акс эттирилади.

Репродуктив билиш фаолияти — билимларни амалий ва ижодий фаолиятда қайта ишлаб чиқиш билан боғлангандир. Бу фаолият билимларни ўзлаштириш, уларни ижодий ишда қўллаш ва ўқув фаолиятининг турли усулларини эгаллашни қамраб олади.

Продуктив билиш фаолияти - бунда турли тоифадаги ижодий вазифалар ҳал қилинади. Бу фаолият турларидан бири - эвристик фаолиятдир. Бу фаолият талабаларнинг мустақил ишлари билан бирга амалга оширилади.

Хуллас, талабаларнинг билиш фаолиятини ошириш деганда, ўқитувчининг талабаларга билимларни эгаллашга, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга, улардан амалиётда фойдаланишга қизиқиш уйғотиш мақсадида таълимнинг янги метод, усул ва воситаларини такомиллаштиришга қаратилган фаолияти тушунилади.

### **Адабиётлар**

1. Азизхужаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Тошкент, 2006. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии в подготовке учителя. - Ташкент, 2000.